**“O‘ZKIMYOSANOAT”**
**AKSIYADORLIK JAMIYATI**

# BUYRUQ

2022-yil 7 -noyabr 170 -son Toshkent sh.

**“O‘zkimyosanoat” AJning 2021-yil 30-dekabrdagi 179-son buyrug‘iga o‘zgartirish kiritish to‘g‘risida**

O‘zbekiston Respublikasining “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasining Davlat xaridlari to‘g‘risidagi Qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2018-yil 27-sentabrdagi PQ-3953-son hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Davlat xaridlari shaffofligini ta’minlash va samaradorligini oshirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” 2021-yil 2-iyuldagi PQ-5171-son qarorlari ijrosini ta’minlash maqsadida

**BUYURAMAN:**

1. “O‘zkimyosanoat” AJning 2021-yil 30-dekabrdagi 179-son buyrug‘ining 1-ilovasi o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

2. “O‘zkimyosanoat” AJning xarid qilish tartib-taomillarini tashkil etish va shakllantirish uchun eng yaxshi takliflarni tanlash, tenderni elektron o‘tkazish bo‘yicha xarid komissiyasi tarkibi ilovaga muvofiq yangidan tasdiqlansin.

3. “O‘zkimyosanoat” AJning 2021-yil 30-dekabrdagi 179-son buyrug‘ining qolgan bandlari o‘z kuchida qoldirilsin.

4. Mazkur buyruqning ijrosi nazorat qilinishini o‘z zimmamda qoldiraman.

**Boshqaruv raisi v.v.b.** **Y. Korjikov**

"O'zkimyosanoat" AJning
2022-yil 7 -noyabrdagi
170 -son buyrug'iga
ilova

**"O'zkimyosanoat" AJning xarid qilish tartib-taomillarini tashkil etish va shakllantirish uchun eng yaxshi takliflarni tanlash, tenderni elektron o'tkazish bo'yicha xarid komissiyasi**
**TARKIBI**

| T/r | F.I.O. | | Lavozimi |
|---|---|---|---|
| 1. | Y.A. Korjikov | – | Boshqaruv raisi v.v.b. – *xarid komissiyasi rahbari* |
| 2. | A.X. To'xtayev | – | Boshqaruv raisining iqtisodiyot va moliya bo'yicha o'rinbosari – *xarid komissiyasi a'zosi* |
| 3. | A.J. Kurbanov | – | Investitsiya faoliyatini istiqbolli rivojlantirish departamenti boshlig'i – *xarid komissiyasi a'zosi* |
| 4. | A.R. Abduraxmanova | – | Iqtisodiyot va biznesni rejalashtirish departamenti boshlig'i – *xarid komissiyasi a'zosi* |
| 5. | B.B. Babayev | – | Bosh buxgalter – *xarid komissiyasi a'zosi* |
| 6. | T.A. Ibadullayev | – | Yuridik byuro boshlig'i – *xarid komissiyasi a'zosi* |
| 7. | A.N. Xoshimov | – | Ma'muriy xo'jalik boshqarmasi ishlar boshqaruvchisi – *xarid komissiyasi a'zosi* |
| 8. | J.K. Raximov | – | Korporativ munosabatlar boshqarmasi boshlig'i – *xarid komissiyasi a'zosi* |
| 9. | J.T. Zikirov | – | Komplayens xizmati bosh mutaxassisi – *xarid komissiyasi a'zosi* |
| 10. | F.O. Namozov | – | Moliya, g'aznachilik operatsiyalari va xaridlar departamenti bosh mutaxassisi – *xarid komissiyasi a'zosi* |
| 11. | S.F. Xamdamov | – | G'aznachilik operatsiyalari va ichki xaridlar bo'limi boshlig'i – *xarid komissiyasi a'zosi* |
| 12. | J.U. Turaqulov | – | G'aznachilik operatsiyalari va ichki xaridlar bo'limi bosh mutaxassisi – *xarid komissiyasi kotibi* |

**Izoh:** Komissiya a'zolari boshqa ishga o'tgan taqdirda, uning tarkibiga ushbu lavozimlarga yangidan tayinlangan yoki tegishli vazifalarni bajarish zimmasiga yuklangan shaxslar kiritiladi.

# “ЎЗКИМЁСАНОАТ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

# БУЙРУҚ

2021 йил “30” декабрь    179 -сон    Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида” 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Давлат харидлари тўғрисидаги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат харидлари шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 02 июлдаги ПҚ-5171-сон қарор ижроларини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сон Қонун талабларига мувофиқ (кейинги ўринларда – Қонун) “Ўзкимёсаноат” АЖнинг харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва шакллантириш учун энг яхши таклифларни танлаш, тендерни электрон ўтказиш бўйича харид комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия деб юритилади) ташкил этилсин.

**2.** “Ўзкимёсаноат” АЖ Комиссия аъзолари таркиби 1-иловага, Комиссиянинг таклифларни танлаш мезонлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**3.** Шартнома тузиш ташаббуси билан чиққан “Ўзкимёсаноат” АЖнинг департамент, бошқарма ва бўлим бошлиқлари корхона эҳтиёжлари учун қонунчиликка мувофиқ олинадиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) харид қилиш тартиб-таомили ғолибини аниқлаш мақсадида тегишли ҳужжатларни Комиссиянинг тезкор фаолиятини ташкиллаштириш учун масъул котибга тақдим этилишини таъминласин.

**4.** Таклифларни таққослаш натижаларига кўра Комиссия томонидан тақдим этилган ғолиб билан шартнома тузишга қадар бўлган жараёнларда масъул – Комиссия котиби этиб белгилансин.

**5.** Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг баравари миқдоридан ошган ҳолларда, харидга доир техник топшириқлар ва тендер ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказиш учун белгиланган тартибда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» давлат унитар корхонасига киритилиши шартнома тузиш ташаббуси билан чиққан департамент, бошқарма ва бўлим бошлиқлари зиммасига юклатилсин.

**6.** Бош ҳисобчи (Бабаев) Комиссия қарори билан танланган ғолиб билан шартномани расмийлаштириш ва ўзаро ҳисоб-китобларни тегишли тартибда амалга оширсин.

Харид қилиш тартиб-таомиллари натижасида амалга оширилган харидлар (шу жумладан, бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тузилган шартномалар) шартномаси сақланиши ва реестрнинг юритилиши Бош ҳисобчи (Бабаев) зиммасига юклатилсин.

**7.** Юридик бюроси (Т.Ибадуллаев) тузилган шартномаларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқлиги юзасидан хулоса берсин.

**8.**Тузилган шартномаларга асосан етказиб берилган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қабул қилиб олиниши маъмурий хўжалик бошқармаси (Хошимов) зиммасига юклатилсин.

**9.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонунинг 85-моддасига мувофиқ энг яхши таклифларни танлаш ва тендер харид қилиш тартиб-таомилларини мажбурий тартибда электрон шаклда ўтказиш тўғрисидаги талаб 2022 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилишини инобатга олиб Ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлигини ривожлантириш бошқармасига (Ахмедов) 3 кунлик муддатда Комиссия аъзоларини электрон калит билан таминлаш вазифаси юклатилсин.

**10.** Жамоат шартномасига асосан Комиссия котибига иш ҳаққининг 30 фоиз миқдорида устама белгилансин.

**11.** “Ўзкимёсаноат” АЖнинг 2021 йил 08 апрелдаги 42-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**12.** Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилинишини ўз зиммамда қолдираман.

**Бошқарув раиси** **Ж. Мирзамаҳмудов**

"Ўзкимёсаноат" АЖнинг
2021 йил "30" декабрдаги
179 -сон буйруғига
1-илова

**"Ўзкимёсаноат" АЖ Бошқарув аппаратининг энг яхши таклифларни танлаб олиш ва тендер харид қилиш тартиб-таомилларини баҳолаш бўйича харид комиссияси таркиби**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Мирзамаҳмудов Ж.Т. | "Ўзкимёсаноат" АЖ бошқарув раиси – харид комиссияси раҳбари |
| | | |
| 2. | Темиров О.Ш. | Бошқарув раисининг ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ва ахборот технологиялари бўйича биринчи ўринбосари |
| 3. | Тўхтаев А.Х. | Бошқарув раисининг иқтисодиёт ва молия бўйича ўринбосари – харид комиссияси аъзоси |
| 4. | Коржиков Е.А. | Бошқарув раисининг инвестиция ва инновация бўйича ўринбосари – харид комиссияси аъзоси |
| 5. | Самадов Ф.Х. | Молия, ғазначилик операциялари ва харидлар департаменти бошлиғи – харид комиссияси аъзоси |
| 6. | Курбанов А.Ж. | Инвестиция фаолиятини истиқболли ривожлантириш департаменти бошлиғи – харид комиссияси аъзоси |
| 7. | Абдурахманова Р.А. | Иқтисодиёт ва бизнесни режалаштириш департаменти бошлиғи – харид комиссияси аъзоси |
| 8. | Бабаев Б.Б. | Бош бухгалтер – харид комиссияси аъзоси |
| 9. | Ибадуллаев Т.А. | Юридик бюро бошлиғи – харид комиссияси аъзоси |
| 10. | Сагдуллаев Ш.М. | Комплаенс хизмати бошлиғи – харид комиссияси аъзоси |
| 11. | Хошимов А.Н. | Маъмурий хўжалик бошқармаси бошлиғи– харид комиссияси аъзоси |
| 12. | Рахимов Ж.К. | Корпоратив муносабатлар бошқармаси бош мутахассиси – харид комиссияси аъзоси |
| 13. | Хамдамов С.Ф. | Ғазначилик операциялари ва ички харидлар бўлими бошлиғи– харид комиссияси аъзоси |
| 14. | Исмаилов Б.А. | Йиғма ахборот-таҳлил департаменти бошлиғи – харид комиссияси котиби |

Изоҳ: Харид комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёки тегишли вазифаларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.

“Ўзкимёсаноат” АЖнинг
2021 йил “30” декабрдаги
179 -сон буйруғига
2-илова

**“Ўзкимёсаноат” АЖ бошқарув аппаратининг энг яхши таклифларни танлаб олиш ва тендер харид қилиш тартиб-таомилларини баҳолаш мезонлари**

Иштирокчиларнинг товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича харидларга тааллуқли бўлган таклифларини баҳолаш мезонларида:

нарх;

етказиб бериш базиси;

етказиб бериш муддатлари;

тавсифномалар ва сифат кўрсаткичлари;

эксплуатация қилиш (фойдаланиш) муддати;

тўлов ва кафолатлар шартлари;

муайян даврдаги эксплуатация қилишга, шу жумладан, фойдаланиш ва таъмирлашга доир харажатлар;

қонунчилик талабларига зид бўлмаган бошқа мезонлар назарда тутилади.

Жамият томонидан белгиланадиган харид шартларида иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш мезонлари, уларнинг нисбий қиймати, баҳолаш тартиб-таомиллари доирасида баҳолаш мезонларини қўллаш тартиби бўлиши керак.

Иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва ғолибни аниқлашда Комиссия фақат харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган баҳолаш мезонлари ва тартиб-таомилларидан фойдаланади ҳамда бу мезонлар ва тартиб-таомилларни ушбу ҳужжатларда баён этилган тартибда қўллайди.

Харидларни амалга оширишда экологик муҳитни яхшилашга кўмаклашиш ёки атроф-муҳитга бўлган салбий таъсирни камайтириш мақсадида иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва ижрочини аниқлаш жараёнида энергия самарадорлиги, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик жиҳатдан мақбул материаллардан ҳамда иккиламчи хом ашёдан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш каби мезонлардан ва харид қилинаётган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) экологик мақбуллигини баҳолашга оид бошқа омиллардан фойдаланилиши мумкин.